

Фикҳ дарслари (95-дарс). Таҳоратнинг макруҳлари



13:30 / 23.07.2020 5741

1. Сувни исроф қилиш.

Шаръий ҳожатдан ёки етарлисидан ортиқ сув ишлатиш исроф бўлади. Агар сув таҳорат қилувчининг ўзиники бўлса, исроф макруҳдир. Аммо кўпчилик таҳорат қилиши учун тайёрлаб қўйилган сувни исроф қилиш ҳаромдир.

وَوَدَّعَسَبَّ رَمَّ مَلَسُو هِيَ لَعَلَّ لِي لَصَّ هَلَّ لَ لُؤَسَرَّ نَأْ: وَرَمَّ عَنَّا بَهَلَّ لَدَبَّ عَنَّا
تَنْكُنْ إِيَّوْ، مَعَنَ «: لَأَقْ؟ فَارْسِ إِيَّوْضُؤْ لَأِي فَأْ: لَأَقْ «؟ فَارْسِ لَأَدَهْ أَمَ» «: لَأَقْ فِأَضَّوَتَي
عَ: جَامُ نَبَّأُو دَمَّحَ أَهُ أَوْرَ. «رَأَجِرَهَنَ يَلَع

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъднинг олдидан ўтдилар. У таҳорат қилаётган эди. Бас, у зот:

«Бу қандай исроф?!» дедилар.

«Таҳоратда ҳам исроф бўладими?» деди.

«Ҳа! Агар оқиб турган дарё устида бўлсанг ҳам!» дедилар».

Аҳмад ва Ибн Можа ривоят қилишган.

2. Сувни ўта кам ишлатиш.

Таҳорат худди масҳ тортгандек бўлиб қолмаслиги лозим. Ювилган аъзодан камида икки томчи сув оқиши керак.

3. Сувни юзга ёки бошқа аъзоларга уриш.

Бунда сув ҳамма тарафга сачраб, ноқулайлик ва палапартишлик, маданиятсизлик юзага келади.

4. Дунёвий гапларни гапириш.

5. Узрсиз бошқанинг ёрдамидан фойдаланиш.

هِيَ لَعَلَّ لَيْسَ بِبَلَاءٍ نَأْكُ؛ سَابَعَنِي نَبِيٌّ ثِيَابِي دَحْنٌ مِّنْ يَنْطِقُ قَرَادًا وَأَوْعَجَامٌ نَبَايَ وَرَوَّحَ أَجَلِي رُوَّةٌ طُلُكِي أَلْمَسُو

Имом Ибн Можа ва Дора Қутний Ибн Аббосдан ривоят қиладилар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат сувларига ҳеч кимни вакил қилмас эдилар».

Яъни таҳорат учун сув тайёрлаш ва уни қуйиб бериб туришда ҳеч кимдан ёрдам сўрамас эдилар.

6. Нажосат бор жойда таҳорат қилиш.

7. Рўзадор киши оғиз ва бурунни чайишда муболаға равишда ҳаракат қилиши.

Сув ичкарига кириб кетса, рўза очилиши хавфи бор.

8. Таҳоратнинг суннатларидан бирини тарк қилиш.

9. Ўта иссиқ, ўта совуқ ёки қуёшда исиб қолган сувда таҳорат қилиш.

